

Уибү низом 08 сентябр 2014 йилда «Universal sug'urta» AJ акциядорлар умумий йигилишида рус тилида тасдиқланган, узбек тилига рус тилидан таржима килинган.

«Universal sug'urta» AJ акциядорларининг 2014 йил
08 сентябрдаги навбатдан ташқари умумий
йигилишининг 4-сонли баённомасига илова

"Тасдиқланган"
«Universal sug'urta» AJ акциядорлар навбатдан
ташқари умумий йигилишининг раиси
Рахимова Р. В.

"Universal Sug'urta" AJ Акциядорлари умумий йигилиши тўғрисида НИЗОМИ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур Низом «Universal Sug'urta» aksiyadorlik jamiyatি Акциядорлари умумий йигилиши (бундан буён матнда "Умумий йигилиши") мақомини белгилайди ва унинг ишини, уни ўтказиш ва қарорлар қабул қилинишини тартибга солади.

1.2. Низом "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш" тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрирда), Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-хуқуқий хужжатлари ва «Universal Sug'urta» aksiyadorlik jamiyatининг Устави (бундан буён матнда "Жамият") асосида ишлаб чиқилган.

1.3. Акциядорларнинг умумий йигилиши жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

1.4. Акциядорларнинг умумий йигилишини жамият кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, жамият кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

1.5. Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йигилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йигилишини) ўтказиши шарт.

1.6. Акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йигилишида жамиятнинг кузатув кенгашини ва тафтиш комиссиясини сайлаш, яккабошчилик қилувчи ижро этувчи орган билан тузилган шартномаларни узайтириш мумкинлиги ёки тўхтатиш тўғрисидаги, шунингдек жамиятнинг йиллик ҳисоботи ва конунда белгилangan бошқа хужжатлари кўриб чиқилади.

1.7. Акциядорларнинг йиллик умумий йигилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йигилишлари навбатдан ташқари йигилишлардир.

1.8. Акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йигилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

II. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИГИЛИШИННИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

2.1. Акциядорлар умумий йигилишининг мутлақ ваколатига қуйидагилар тегишли бўлади:

а) жамият Уставига ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

- б) жамиятни қайта ташкил этиш;
- в) жамиятни тугатиши, тугатувчини (тугатиши комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиши балансларини тасдиқлаш;
- г) жамият кузатув кенгашиниң ва миноритар акциядорлар күмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиши;
- д) эълон килинган акцияларнинг энг кўп микдорини белгилаш;
- е) жамиятнинг устав фондини камайтириш;
- ё) ўз акцияларини олиш;
- ж) жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;
- з) жамият тафтиш комиссияси аъзоларини (тафтишчисини) сайлаш ҳамда уларнинг ваколатларини муддатидан олдин тўхтатиши;
- и) жамиятнинг йиллик хисботини тасдиқлаш;
- й) жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;
- к) жамият кузатув кенгашиниң хисботларини ва тафтиш комиссиясининг уларнинг ваколатига кирадиган масалалар, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун хужжатларида белгиланган талабларга риоя етилиши юзасидан хуносаларини эшитиши;
- л) имтиёзли хукуқни қўлламаслик тўғрисида қарор қабул қилиши;
- м) акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни сотиб олишда акциядорнинг имтиёзли хукуқини қўлламаслик тўғрисида қарорни қабул қилиши;
- н) акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;
- о) акцияларни майдалаш ва йириклиштириш;
- п) қонун хужжатларига мувофиқ жамият томонидан йирик битимлар ва аффилланган шахслар билан битимлар тузиш тўғрисида қарорлар қабул қилишда;
- р) жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиши;
- с) қимматли қоғозларнинг ҳосилларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиши;
- т) жамиятнинг корпоратив облигацияларини сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиши;
- у) қонун хужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиши.

2.2. 2.1-банднинг "а", "б", "в", "е", "д" кичик бандларида назарда тутилган масалалар бўйича қарор. ушбу Низом ҳамда "Аксиядорлик жамиятлари ва аксиядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (ўзгартиришлар киритилган) 84-моддаси иккинчи ва учинчи қисмлари кўрсатилган масалалар бўйича қарор акциядорлар умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат қўпчилик (малакали қўпчилик) овози билан қабул қилинади.

2.3. Умумий йиғилиш ваколатига кирадиган бошқа масалалар бўйича қарорлар мажлисда иштирок етувчи аксиядорлар-жамиятнинг овоз берувчи аксиялари егаларининг (оддий қўпчилик овози билан) қўпчилик овози билан қабул қилинади.

ІІІ. УМУМИЙ ЙИҒИЛИШДА ҚАТНАШИШ ҲУҚУҚИ. АКЦИЯДОРЛАРНИ ВА УЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛИ ВАКИЛЛАРИНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ

3.1. Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш расман эълон қилинган кунгача уч календарь кунда шакллантирилган жамият акциядорлари реестрида қайд этилган акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш ҳукукига эга бўлади.

3.2. Жамият акциядорларининг шакллантирилган реестрига ўзгартиришлар фақат реестр тузилган санада кўрсатиб ўтилган реестрга киритилмаган шахсларнинг бузилган ҳукуқлари тикланган ёки уни тузишда йўл қўйилган хато тузатилган тақдирда қонун хужжатларида белгиланган тартибда киритилиши мумкин.

3.3. Акциядорларнинг умумий йиғилишида жамият акциядорлари реестрида қайд этилган, уларнинг ваколатли вакиллари, жамият аудитори, жамият Кузатувчи кенгаши ва ижро этувчи органлари аъзолари, жамият тафтиш комиссияси аъзолари ҳозир бўлиш ҳукукига

эга бўладилар (Кузатувчи кенгашни ва жамият назорат органларини сайлаш бўйича овоз бериш бўллетенига киритилган номзодларни, шунингдек яккабошчилик қилувчи ижро этувчи орган ва жамиятнинг коллегиал ижро этувчи органи раҳбарини тайинлаш бўйича кўрсатиб ўтилган шахсларни ҳам таклиф этиш тавсия этилади

3.4. Умумий йиғилишда қатнашиш учун акциядорлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари йиғилиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган жой ва вақт бўйича рўйхатдан ўтишлари керак.

3.5. Умумий йиғилишда қатнашиш учун келган жисмоний шахслар бўлган акциядорларни рўйхатдан ўтказиш паспорт ёки акциядорнинг шахсини тасдиқловчи бошқа хужжат кўрсатилгач, вакилга нисбатан эса нотариал тартибда тасдиқланган ишончнома кўрсатилгач амалга оширади.

3.6. Юридик шахс раҳбари жамият акциядори умумий йиғилишдаги ўз ваколатларини лавозимга тайинлаш тўғрисидаги хукуқий хужжат ҳамда шахсни тасдиқловчи хужжат асосида амалга оширади.

3.7. Юридик шахс акциядорларнинг вакили - агар ишончнома мавжуд бўлса, умумий йиғилишида иштирок этиши мумкин. Овоз беришга доир ишончномада ваколат берган ва вакил қилинган шахс тўғрисидаги маълумотлар (исми-шарифи ёки номи, яшаш жойи ёки жойлашган ери, паспортига оид маълумотлар) бўлиши лозим. Жисмоний шахс номидан берилган овоз беришга доир ишончнома нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак. Юридик шахс номидан овоз беришга доир ишончнома унинг раҳбарининг имзоси ва ушбу юридик шахснинг муҳри билан (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) тасдиқланган ҳолда берилади

3.8. Акционер вправе в любое время заменить своего представителя на общем собрании акционеров или лично принять участие в нем.

3.9. Жамият акциядорлари реестрига биноан қайд этиш рўйхати тузилади. Қайд этиш рўйхати рисола ҳолига келтирилган, тартиб рақами қўйилган, ип ўтказиб тикилган ва акциядорлик жамияти муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак.

3.10. Умумий йиғилишни ўтказишида акциядорлар (уларнинг вакиллари) қайд этиш рўйхатига имзо чекадилар ва жамият акциядорлари реестири маълумотлари бўйича белгиланган ҳар бир акциядорнинг овоз берувчи акциялари сонидан келиб чиқиб овоз бериш учун бўллетенларни оладилар.

3.11. Агар йиғилиш қатнашчиси бир ёки бир неча акциядорнинг манфаатларини ифодалашга ишончнома тақдим этса, у ҳолда унга у ифодалаётган акциядор (акциядорлар) учун овоз беришга бўллетенъ берилади, рўйхатдан ўтиш рўйхатида эса у ифодалаётган акциядорнинг фамилияси қаршисига "_____ та (сони) овоз берувчи акциялар бўйича _____ да берилган ишончнома бўйича" деган ёзув қайд этилади ҳамда вакилнинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилади.

3.12. Агар жамият акциялари бир неча шахсларнинг умумий улушли мулкида бўлса, у ҳолда акциядорлар умумий йиғилишида овоз бериш бўйича ваколат уларнинг хоҳиши бўйича умумий улушли мулк қатнашчиларидан бири томонидан ёхуд уларнинг умумий вакили томонидан амалга оширади. Кўрсатиб ўтилган шахслардан ҳар бирининг ваколати зарур тарзда расмийлаштирилиши керак.

IV. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНИ ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ

4.1. Акциядорларнинг умумий йиғилишини, жамият кузатув кенгашини ўтказишига тайёргарлик кўраётганда ҳамда "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (Янги таҳрирда) 65-моддасининг ўн биринчи қисмida назарда тутилган ҳолларда умумий йиғилишни чақирувчи шахслар белгилайди:

умумий йиғилишининг ўтказиладиган санаси, жойи ва вақти;
умумий йиғилишининг кун тартиби;

умумий йиғилиш үтказиши тұғрисида хабар беріш учун жамият акциядорлари реестри тузиладиган сана;

умумий йиғилишини үтказиши тұғрисида акциядорларга ва давлат вакилига маълум қилиш тартиби;

умумий йиғилишини үтказишига тайёргарлик күришда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим қилинадиган маълумотлар (материаллар) рўйхати;

овоз беріш учун бюллетенниң шакли ва матни.

Аниқ масала қўйилишини акс эттирмайдиган таърифларнинг (шу жумладан, "турли масалалар", "бошқа масалалар", "ўзга масалалар" ва шу сингари таърифларнинг) акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилишига йўл қўйилмайди.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши үтказиладиган сана уни үтказиши тұғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн кундан кам ва ўттиз кундан кўп этиб белгиланиши мумкин эмас.

4.2. Акциядорларнинг умумий йиғилишини үтказиши тұғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши үтказиладиган санадан камида етти кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин жамиятнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

4.3. Жамият давлат вакилини акциядорларнинг умумий йиғилиши үтказиладиган санадан камида етти кун олдин ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

4.4. Акциядорларнинг умумий йиғилишини үтказиши тұғрисидаги хабарда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

жамиятнинг номи, жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили;

умумий йиғилиш үтказиладиган сана, вақт ва жой;

жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана;

умумий йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар;

умумий йиғилишни үтказишига тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборот (материаллар) билан акциядорларни танишириш тартиби.

4.5. Акциядорларнинг умумий йиғилишини үтказишига тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этилиши лозим бўлган ахборотга (материалларга) жамиятнинг йиллик ҳисботи, жамиятнинг йиллик молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ва аудиторлик ташкилотининг хulosаси, жамият кузатув кенгашининг директор (бошқарув раиси), ишончли бошқарувчи билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш, шартномани қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги тұғрисидаги хulosаси, шунингдек жамиятнинг кузатув кенгаши ҳамда тафтиш комиссияси аъзолигига (тафтишчилигига) номзодлар тұғрисидаги маълумотлар, жамиятнинг уставига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар лойиҳаси ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги устави лойиҳаси киради.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини үтказишига тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этилиши мажбурий бўлган қўшимча ахборотнинг (материалларнинг) рўйхати қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланиши мумкин.

4.6. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин ўттиз кундан кечиктирмай, агар жамият уставида бундан кечроқ муддат белгиланмаган бўлса, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) бу органнинг микдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишига ҳақли.

4.7. Акциядорлар (акциядор) жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) ўzlари кўрсатган номзодлар рўйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши үтказилиши тұғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ўзгаришлар киритишга ҳақли.

4.8. Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига масала уни қўйиш сабаблари, масалани киритаётган акциядорларнинг (акциядорнинг) исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда киритилади.

Жамият кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) номзодлар кўрсатиши тўғрисида таклифлар киритилганда, шу жумладан, ўзини ўзи номзод қилиб кўрсатилган тақдирда номзоднинг исми-шарифи, унга тегишли акцияларнинг сони ва тури (агар номзод жамият акциядори бўлса), шунингдек номзодни кўрсатаётган акциядорларнинг исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилади.

4.9. Жамиятнинг кузатув кенгаши тушган таклифларни кўриб чиқиши ҳамда ушбу Низомнинг 4.6. ва 4.7. бандларида белгиланган муддат тугаганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай уларни акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритиш тўғрисида ёки мазкур кун тартибига киритишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши шарт

4.10. Акциядорлар (акциядор) томонидан киритилган масала акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига, худди шунингдек кўрсатилган номзодлар жамиятнинг кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритилиши керак, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- ушбу Низомнинг 4.6. бандида белгиланган муддатга акциядорлар (акциядор) томонидан риоя этилмаган бўлса;

- акциядорлар (акциядор) жамиятнинг ушбу Низомнинг 4.6. бандида назарда тутилган микдордаги овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;

- ушбу Низомнинг 4.8. бандида назарда тутилган маълумотлар тўлиқ бўлмаса ;

- таклифлар “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш” тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрирда) талабларига мувофиқ бўлмаса.

4.11. Жамият кузатув кенгашининг масалани акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига ёки номзодни жамият кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги асослантирилган қарори масалани киритган ёки тақлиф тақдим этган акциядорларга (акциядорга) қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай юборилади.

4.12. Жамият кузатув кенгашининг масалани акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига ёки номзодни жамият кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

V. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШНИ ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ

5.1. Акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилиши жамият Кузатувчи кенгаши қарорига кўра қуйидагилар асосида ўтказилади:

- унинг ўз ташаббуси билан;

- тафтиш комиссияси талаби билан;

- талаб берилган санада жамият овоз берувчи акцияларининг камидаги 5 фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар)нинг талаби билан.

5.2. Жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камидаги беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш ҳақида ёзма талаб тақдим этилган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

5.3. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талабда йиғилиш кун тартибига киритилиши керак бўлган масалалар уларни киритиш сабаблари кўрсатилган ҳолда таърифланган бўлиши керак.

5.4. Жамиятнинг кузатув кенгаши жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камидаги беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг

(акциядорларнинг) талабига кўра чақириладиган акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибидаги масалаларнинг таърифига ўзгартишлар киритишга ҳақли эмас.

5.5. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талаб акциядордан (акциядорлардан) чиқкан тақдирда, бу талабда умумий йиғилишни чақиришни талаб қилаётган акциядорнинг (акциядорларнинг) исми-шарифи (номи), унга тегишли акцияларнинг сони, тури кўрсатилган бўлиши лозим.

5.6. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талаб акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилган шахс (шахслар) томонидан имзоланади.

5.7. Жамиятнинг тафтиш комиссияси (тафтишчиси) ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камидаги беш фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида талаб тақдим этган санадан эътиборан ўн кун ичидаги жамият кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида ёки йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши керак.

5.8. Жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камидаги беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарор қўйидаги ҳолларда қабул қилиниши мумкин, агар:

- акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилаётган акциядор (акциядорлар) ушбу Низомнинг 5.1. бандида назарда тутилган миқдордаги жамият овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;

- кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масалалардан бирортаси ҳам акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига кирмаса;

- вопрос, предлагаемый для внесения в повестку дня, не соответствует требованиям Закона Республики Узбекистан "Об акционерных обществах и защите прав акционеров" (в новой редакции).

кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масала "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш" тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрирда) талабларига мувофик бўлмаса.

5.9. Жамият кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги қарори ёки бундай йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақида асослантирилган қарори йиғилиш чақиришни талаб қилган шахсларга қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай юборилади.

5.10. Жамият кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

5.11. Жамият кузатув кенгаши "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш" тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунида (янги таҳрирда) белгиланган муддат ичидаги акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилмаган тақдирда ёки уни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилган тақдирда, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши уни чақиришни талаб қилган шахслар томонидан чақирилиши мумкин. Бундай ҳолларда акциядорларнинг умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрни акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра жамиятнинг маблағлари ҳисобидан қопланиши мумкин.

VI. УМУМИЙ ЙИҒИЛИШ КВОРУМИ

6.1. Агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик

фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.

6.2. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиша кун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

6.3. Агар акциядорларнинг ўтказилмай қолган йиғилиши ўрнига чақирилган такрорий умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами қирқ фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилиши ваколатли бўлади.

6.4. Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабар қилиш ушбу Низомнинг IV булимида назарда тутилган муддатларда ва шаклда амалга оширилади

6.5. Кворум бўлмаганлиги сабабли акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси йигирма кундан кам муддатга кўчирилган тақдирда, умумий йиғилишда иштирок этиш хукуқига эга бўлган акциядорлар ўтказилмай қолган умумий йиғилишда иштирок этиш хукуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофиқ аниқланади.

VII. УМУМИЙ ЙИҒИЛИШНИНГ ИШЧИ ОРГАНЛАРИ

7.1. Қуйидагилар Умумий йиғилиш ишчи органлари ҳисобланади: раёсат, саноқ комиссияси, котиб (котибият).

7.2. Аксиядорларнинг умумий йиғилиши жамият Кузатув Кенгашининг раиси томонидан, узрли сабабларга кура булмаган тақдирда эса – жамият Кузатув Кенгашининг аъзоларидан бири томонидан раислик қиласди.

7.3. Умумий йиғилиш раиси йиғилишнинг боришига раҳбарлик қиласди, Умумий йиғилиш ишчи орагнлари ишини мувофиклаштиради, масалаларни мухокама қилиш тартибини белгилайди, маърузачиларнинг нутқ сўзлашлари вақтини чегаралайди, йиғилишни олиб бориши ва овоз бериши давомида тушунтиришлар беради, залда тартиб ўрнатилишини назорат қиласди.

7.4. Умумий йиғилиш раиси умумий йиғилиш баёни ва қарорини имзолайди.

7.5. Овозларни ҳисоблаб чиқиш, Акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш учун акциядорларни рўйхатдан ўтказиш, шунингдек овоз бериши учун бюллетенлар бериши учун Жамият кузатувчи кенгashi томонидан сони ва шахсий таркибини акциядорлар умумий йиғилиши тасдиқлайдиган саноқ комиссияси ташкил этилади.

7.6. Саноқ комиссияси таркиби уч кишидан кам бўлиши мумкин эмас.

7.7. Саноқ комиссиясига жамият Кузатув кенгashi аъзолари, жамият Тафтиш комиссияси аъзолари, коллегиал ижро этувчи орган аъзолари, яккабошчилик қилувчи ижро этувчи орган, тенг равишда бошқарувчи ташкилот ёки бошқарувчи ҳамда номзодлар томонидан ушбу лавозимларга кўрсатиладиган шахслар кириши мумкин эмас.

7.8. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериши "жамиятнинг овоз берувчи битта акцияси - битта овоз" принципи бўйича амалга оширилади, жамиятнинг кузатув кенгashi аъзоларини сайлаш бўйича кумулятив овоз беришни ўтказиш ҳоллари бундан мустасно.

7.9. Овоз бериши бюллетенлари орқали амалга ошириладиган овоз беришда овозлар овоз берувчиларга овоз беришнинг эҳтимол тутилган вариантиларидан фақат биттаси қолдирилган масалалар бўйича ҳисобланади. Юқорида кўрсатилган талаб бузилган ҳолда тўлдирилган овоз бериши бюллетенлари ҳақиқий эмас деб ҳисобланади ва ундаги мавжуд масалалар бўйича овозлар ҳисобланмайди.

Агар овоз бериши бюллетенида овоз беришга қўйилган бир неча масала мавжуд бўлса, ушбу Низомнинг 7.9. бандида кўрсатилган талаб бир ёки бир неча масалага нисбатан риоя қилинмаслиги овоз бериши бюллетенининг умуман ҳақиқий эмаслиги тан олинишига олиб келмайди.

7.10. Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриш пайтида саноқ комиссияси кузатувчи кенгашнинг топшириғига кўра куйидаги функцияларини амалга оширади:

- акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳукуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатини тузади;

- овоз бериш бюллетенларини ва умумий йиғилишнинг бошқа материалларини беради ва юборади, берилган (юборилган) бюллетенлар ҳисобини олиб боради.

7.11. Акциядорлар умумий йиғилишида акциядорларнинг олдинги умумий йиғилиши томонидан сайланган саноқ комиссияси куйидаги функцияларни амалга оширади:

умумий йиғилишда қатнашиш учун акциядорларни (уларнинг вакилларини) рўйхатдан ўтказади;

ишончномалар ва улар томонидан бериладиган ҳукуқлар ҳисобини юритади;

овоз бериш бюллетенларини ва умумий йиғилишнинг бошқа ахбороти (материаллари)ни беради;

акциядорлар умумий йиғилиши кворуми мавжудлигини белгилайди.

акциядорлар (уларнинг вакиллари) томонидан умумий йиғилишда овоз бериш ҳукуқини амалга ошириш муносабати билан пайдо бўлувчи масалаларни тушунтиради;

овоз беришга қўйилаётган масалалар бўйича овоз бериш тартибини тушунтиради;

овоз беришнинг белгиланган тартибини ва акциядорларнинг овоз беришда қатнашиши ҳукуқини таъминлайди;

овозларни санайди ва овоз бериш якунларини чиқаради;

овоз бериш якунлари тўғрисида баён тузади;

овоз бериш бюллетенларини архивга топширади.

VIII. УМУМИЙ ЙИҒИЛИШНИ ОЛИБ БОРИШ ТАРТИБИ

8.1. Акциядорлар умумий йиғилишини олиб бориш тартиби акциядорларнинг ҳар бир умумий йиғилишида мазкур низомга мувофиқ тасдиқланади.

8.2. Кузатувчи Кенгаш раиси умумий йиғилишнинг саноқ комиссиясини, ва котибини сайлашни таклиф этади.

8.3. Умумий йиғилишни олиб бориш тартиби йиғилишнинг бошланиши ва тахминан тамом бўлиши вақтини, нутқлар қанча давом этиши ва танаффусларни, кун тартиби масалаларининг изчиллигини, кун тартиби масалалари бўйича маърузачиларнинг фамилиялари ва лавозимларини, овоз беришни амалга ошириш ва унинг натижаларини эълон қилиш тартибини назарда тутади.

8.4. Йиғилиш давомида пайдо бўлувчи жорий масалаларни раис мухокама қилинаётган масала бўйича акциядорлар умумий йиғилишида бош принципдан: ҳар бир қатнашчининг белгиланган вақт доирасида сўзга чиқиши ҳукуқидан фойдаланиши мумкинлигидан келиб чиқиб яккабошчилик билан ҳал этилади.

8.5. Кун тартибидаги масалаларни мухокама қилишда қатнашиш истагини билдирганлар умумий йиғилиш котибиятига мухокама қилинадиган масалани кўрсатган ҳолда буюртманома берадилар.

8.6. Кун тартибининг барча масалалари мухокама қилингандан кейин раис акциядорлар умумий йиғилишини ёпиқ деб эълон қиласди.

IX. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ БАЁНИ

9.1. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин ўн кундан кечиктирмай икки нусхада тузилади. Ҳар иккала нусха ҳам умумий йиғилишда раислик қилувчи ва умумий йиғилиш котиби томонидан имзоланади.

9.2. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида:

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилган сана, вақт ва жой;

жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони;

умумий йиғилишда иштирок этган акциядорлар эга бўлган овозларнинг сони;

умумий йиғилишнинг раиси (раёсати) ва котиби, йиғилиш кун тартиби кўрсатилади

9.3. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида маъruzаларнинг асосий қоидалари, овозга қўйилган масалалар ҳамда улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари, йиғилиш қабул қилган қарорлар кўрсатилиши лозим.

X. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ ҚАРОРЛАРИНИ БАЖАРИШ

10.1. Акциядорлар умумий йиғилиши қарорлари бажарилиши устидан назорат қилишни, башарти йиғилиш қарорида ўзгача ҳол қайд этилмаган бўлса ва баёнда акс эттирилмаган бўлса, жамият кузатувчи кенгаши амалга оширади.

10.2. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорлари умумий йиғилишда ҳозир бўлган, шунингдек ҳозир бўлмаган барча акциядорлар томонидан, уларга тегишли қисми бўйича бажарилиши мажбурийдир.